



ЮРТИМИЗДА МОЙЛИ ЭКИНЛАР НАВЛАРНИ ЯРАТИШ ВА УРУҒЧИЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЯНГИ БОСҚИЧДА

Ер шарида аҳолининг ўсимлик мойига, шунингдек, ҳайвон ёғига бўлган талаби кундан-кун ошиб бормокда. Ҳалқ ҳўжалигининг барча соҳаларида озиқ-овқат, консерва, лак-буёқ, алиф, совун ишлаб чиқаришда, линолеум, парфюмерия, босмахона буёқлари тайёрлашда, тиббиётда ва асбоб-ускуналарни мойлаш учун ўсимлик мойи ёки ҳайвон ёғидан фойдаланилади.



Ўсимлик мойи ёки ҳайвон ёғидан озиқ-овқат тайёрлашда кунига 2-3 марта фойдаланилади. Ўсимлик мойи инсон организми томонидан тез ҳазм бўладиган озиқ-овқат маҳсулоти ҳисобланади. Унинг энг яхши хусусияти-инсон организмда холестерин тўпламаслигидир. Ўсимлик мойи кимёвий таркибига қараб, озиқ-овқат мойига ва техник мойга ажратилади, айрим ўсимликларнинг мойи ҳам озиқ-овқатга, ҳам саноатда ишлатилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг **2019-йил 8-октябрь “Ёғ-мой тармоғини жадал ривожлантириш чора-тадбирлар тўғрисида”** ги ПҚ-4484-сонли қарорида “Бошқа муқобил ёғ олинадиган экинлар (соя, кунгабоқар, кунжут, мойли зиғир, махсар ва бошқалар) экиладиган майдонларни кўпайтириш ва ёғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун ёғ олинадиган ўсимлик уруғининг импорти бўйича олиб келинишини ташкил этиш асосида, ўсимлик ёғи ва ем маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг хом-ашё базасини кенгайтириш” ва Президент қарори билан «Ўзёғмойсаноат» уюшмаси 2022 йил 1 январдан ташкил этилди.

Ёғ-мой тармоғини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ва соҳани бошқаришда бозор механизмларини жорий этиш тўғрисидаги қарори қабул қилинди. Бунинг асосий сабаби ёғ-мой етиштириш учун унинг хом-ашё базасининг камайиб бораётганидир.

Ёғ-мой олиш учун хом-ашё базасининг таркиби ҳам ўзгармоқда. Бу эса янги қўлаб муаммоларни юзага чиқаради. Жумладан, мавжуд ёғ-мой ишлаб чиқариш корхоналарининг техника ва технологияларини ўзгартириш зарурати келиб чиқади. Бу эса ўз навбатида, ёғ-мой саноатига йирик инвестицияларни киритишни талаб қилади. Бу инвестицияларни топиш ва ишлаб чиқаришга жалб этиш жуда мураккаб масала ҳисобланади.

Президентимиз ташаббуслари билан қишлоқ ҳўжалигида мойли экинлар уруғчилигини ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Ушбу чиқарилган қарорлар ижросини таъминлаш мақсадида Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги ташаббуси билан 2023 йил 3 октябрда Жиззах вилоятида **“Мойли экин-**

ларни уруғчилигини ривожлантириш ва ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш” мавзусида Республика илмий-амалий семинар ташкил этилди.

Семинарда Қишлоқ ҳўжалиги вазири А.Воитов, Уруғчиликни ривожлантириш маркази раҳбари Ш.Мамажанов, илмий-тадқиқот институти раҳбарлари, ҳудудий қишлоқ ҳўжалиги ва Уруғчиликни ривожлантириш маркази бошқарма бошлиқлари, элита уруғчилик ҳўжаликлари раҳбарлари иштирок этди.



Семинарда мойли экинлар уруғчилигини ривожлантириш ҳамда 2024-йилда аҳолининг ўсимлик ёғига бўлган эҳтиёжини қондириш юзасидан мақсадли режалар белгилаб олинди.

Мойли экинлар уруғчилигини ривожлантириш ва ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш бўйича республика кўргазмалари семинари қишлоқ ҳўжалиги соҳаси раҳбарияти ва мутахассисларини, бутун республикада мойли экинлар экишга ихтисослашган ҳўжаликлар вакилларини, шу соҳада илмий изланишлар олиб бораётган олимлар ҳамда мутахассисларни жамлади.

Мамлакатда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда мойли экинлар экиш ва ишлаб чиқаришни кенгайтиришнинг аҳамияти беқиёс. Бу борада мойли экинлар уруғчилигини ривожлантириш бирламчи устуворликка эга.

Семинарда кунгабоқар, соя, махсар, зиғир, рыжик, ерёнғоқ, кунжут каби мойли экинларнинг қишлоқ ҳўжалиги экинни сифатида экилиши мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилибгина қолмай, фермернинг ўзига яхшигина

фойда келтириши ҳам исботлаб берилди. Чунончи, такрорий экин сифатида экиладиган кунгабоқарнинг иқтисодий самардорлиги аниқ-равшан ҳисоб-китоблар орқали намоиш этилди. Такрорий экин сифатида экилган кунгабоқардан гектарига 12 млн сўм соф фойда олинади. Бу эса, яхшигина қўшимча даромад манбаи деганидир.

Шунингдек, бугунги кунда кунгабоқарнинг энг самарали навлари деб эътироф этилаётган “Пионер” ва “Алей” навларининг тавсифи ва етиштириш технологияси семинар қатнашчиларида катта қизиқиш уйғотди.

Бугунги кунда пахта ёғига талаб камайгани, бошқа экинлар ёғига талаб ортаётганлиги, мойли экинларни экиш майдонлари кенгайиши ҳисобида уруғ импорти кескин ошганлиги, экинлар уруғчилиги тизимли ташкил қилинмаганлигига натижасида 140 минг тонна ёғ маҳсулотлари импорт эвазига қириб келаётганлиги тўғрисида тўхталиб ўтди.



Озиқ-овқат хафсизлигини таъминлашда янги мойли экинлар ташки муҳит омилларига чидамли навларни яратиш, навларни бирламчи уруғчилигини кенгайтириш, кластерлар ва фермер хўжаликларида сифатли уруғларни етказиб бериш ҳамда қайта ишлашни тизимли ташкил этиш, аҳолини эҳтиёжини қондириш, аҳолига тайёр маҳаллий тоза ўсимлик ёғини етказиб бериш бўйича аниқ тақлифлар ва амалий ишларни амалга ошириш бўйича мақсадли режалар белгилаб олинди.

Семинар давомида илмий тадқиқот институтларида мавжуд мойли экинлар навларни уруғларни кенгайтириш мақсадида, Уруғчиликни ривожлантириш марказига қарашли элита уруғчилик хўжаликлари билан шартномалар имзоланди. Айниқса, майдорлиги юқори экинлар навларини танлаш ва етиштириш агротехникасини амалга оширишда ҳамкорлик масалалари тўғрисида ҳам келишиб олинди.

Жумладан; Жанубий деҳқончилик илмий тадқиқот институти томонидан ҳам ўзининг мойли экинлар навлари кўргазмаси, тайёр маҳсулотлари ва етиштириш агротехникаси бўйича қўлланма ва тавсияномалар тарқатилди.

Институтда мойли экинлар билан шуғулланадиган “Дуккакли ва мойли экинлар селекцияси” лабораториясида янги турдаги мойли ва ноанъанавий экинлар навларини яратиш ва янги экинларни интродукция қилиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Республикамининг кенг майдонларига экиб фойдаланилиб келинаётган мойли экинларнинг деярли барчаси хорижий нав ва намуналарни яқка танлаш йўли билан яратилган нав ва намуналар ҳисобланади. Бу эса, республикамининг

кескин континентал иқлим шароитига мослашиши жуда кўп қийинчиликларни вужудга келтиради.

Республикада илк бор Жанубий деҳқончилик илмий-тадқиқот институти олимлари томонидан мойли экинларда дурагайлаш ишлари амалга оширилди, оддий ва мураккаб дурагайлаш асосида бошланғич манбалар олинди.

Ҳозирда илк бор соянинг F_1 дурагайлар кўчатзорида 12 та, F_2 дурагайлар кўчатзорида 750 та, жами 762 та дурагайлар, кунжутнинг F_1 дурагайлар кўчатзорида 25 та, F_2 дурагайлар кўчатзорида 200 та, жами 225 та дурагайлар, мойли зиғирнинг F_1 дурагайлар кўчатзорида 100 та, F_2 дурагайлар кўчатзорида 280 та, жами 380 та дурагайлар ҳамда кунгабоқарнинг F_1 дурагайлар кўчатзорида 50 та, F_2 дурагайлар кўчатзорида 70 та, жами 120 та дурагайлар ҳар тамонлама ўрганилиб, баҳоланмоқда.

Шунингдек, хорижий халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда ишлар олиб борилиши натижасида мойли экинларнинг кунжут, зиғир, кунгабоқар, соя, рыжик экинлари интродукция қилиниб республикамининг мураккаб иқлим-шароитига мослашувчанлиги ўрганилмоқда.

Дуккакли ва мойли экинлар селекцияси лабораториясида мойли экинлардан суғориладиган майдонлар шароитида соянинг 270 та, кунжутнинг 110 та, мойли зиғирнинг 140 та, кунгабоқарнинг 75 та, ерёнқоннинг 70 та нав, намуна ва тизмалари устида илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бундан ташқари, лалмикор майдонлар шароитида махсарнинг 80 та, кунжутнинг 110 та ҳамда мойли зиғирнинг 145 та нав ва намуналари ўрганилмоқда.

Олиб борилаётган илмий-тадқиқотлар натижасида мойли экинлар хусусан, соянинг янги “Тарағай” нави, кунжутнинг “Қамаш”, “Жануб гавхари” навлари ҳамда мойли зиғирнинг “Азиз” навлари институтнинг селекционер олимлари томонидан оддий ва мураккаб дурагайлаш йўли билан яратилди ҳамда Давлат нав синаш комиссиясига топширилди.

Ушбу муаммоларни инобатга олган ҳолда Жанубий деҳқончилик илмий-тадқиқот институти олимлар томонидан мойли экинларнинг бир қанча маҳаллий нав ва намуналари яратилиб, ушбу экин турларининг уруғчилик тизими ва миллий генбанки ташкил қилинди. Уруғчилик ва миллий генбанк лабораториясида мойли экинлар бошланғич уруғчилиги йулга қўйилиб, биринчи йил оила, иккинчи йил оила, 1 йил кўпайтириш кўчатзорларида тизимли тартибда тадқиқотлар ўтказилмоқда.

Семинарнинг энг фойдали натижаси сифатида Уруғчиликни ривожлантириш марказининг 43 та элита уруғчилик хўжаликлари томонидан 100 гектар майдонга мойли экин сифатида Рыжик экини экиш бўйича шартномалар имзоланди.

Семинар натижалари бўйича мойли экинлар янги турларини кўпайтириш, амалиётга тадбиқ этиш, янги навларини яратиш, етиштириш агротехнологияларини ишлаб чиқиш, элита уруғчилик хўжаликлари билан илмий тадқиқот институтлари ҳамкорлигини кенгайтириш, уларга юқори авлодли уруғчиликлар етиштириб бериш, мойли экинларни қайта ишлаш технологияларини йулга қўйиш масалалари бўйича келишувларга эришилди.

Шухрат ТЕШАЕВ, қ.х.ф.д. профессор,
Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар маркази
ижрочи директори,

Ойбек АМАНОВ, қ.х.ф.д. профессор,
Жанубий деҳқончилик илмий-тадқиқот институти
директори.

МЕВА-САБЗАВОТ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ЭКСПОРТ ҚИЛИШНИ РАҒБАТЛАНТИРИШДА КАРАНТИН ХИЗМАТИНИ ТАКОМИЛ-ЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАЛАР ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ИМКОНИАТЛАРИ

Алимов Муродқосим Ачилович,

Ўсимликлар карантини ва ҳимояси илмий-тадқиқот институти бўлим бошлиғи.

Аннотация. ЖСТ га аъзо бўлиши баробарида Ўзбекистон Республикасида мавжуд фитосанитар талаблар ушбу халқаро ташкилотнинг халқаро фитосанитар талабларига мувофиқлаштирилиши лозим бўлади. Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги ЖСТ ташкилоти томонидан жорий этилган “Санитария ва фитосанитария чора-тадбирларига амал қилиш бўйича битим” га риоя қилиши лозим. Бунда фитосанитар талабларнинг “техник асослари” мавжуд бўлиши керак.

Аннотация. При вступлении в ВТО существующие фитосанитарные требования в Республике Узбекистан должны будут быть гармонизированы с международными фитосанитарными требованиями этой международной организации. Государственная инспекция по карантину растений Республики Узбекистан должна соблюдать «Соглашение о применении санитарных и фитосанитарных мер», введенное организацией ВТО. Фитосанитарные требования должны иметь «техническую основу».

Annotation. When joining the WTO, the existing phytosanitary requirements in the Republic of Uzbekistan will have to be harmonized with the international phytosanitary requirements of this international organization. The State Plant Quarantine Inspectorate of the Republic of Uzbekistan must comply with the “Agreement on the Application of Sanitary and Phytosanitary Measures” introduced by the WTO organization. Phytosanitary requirements should have a «technical basis».

Халқаро савдо-сотиқ жараёнида зарарли организмлар, касалликлар ва бегона ўтларнинг мамлакат ҳудудига кириб келмаслигини таъминлаш жуда муҳимдир.

ЖСТ (Жаҳон савдо ташкилоти)га аъзо мамлакатлар учун ушбу ташкилотга аъзо бўлиш жараёнидаги келишувга (келишув шартномасининг 5-моддаси) қуйидаги иқтисодий омиллар киритилган:

- Зарарли организмнинг кириб келиши, яшаб қолиши ёки тарқалиб кетиши оқибатида ишлаб чиқариш ёки савдо соҳаси қанча зарар кўришини аниқлаш;
- Импортёр мамлакатга кириб келган ва аниқланган зарарли организмнинг тарқалиш қўлами, унга қарши кураш ёки йўқ қилиш учун харажатлар миқдорини аниқлаш;
- Фитосанитар хавфни юмшатишда бошқа муқобил йўллари топиш ва афзалликларини ўрганиб чиқиш.

Бунда иқтисодий харажатлар ва экологияга келадиган иқтисодий зарар миқдори ўзгариб туриши мумкин ва зараркуналларга қарши кураш учун маблағлар ажратиш, уларнинг кенг тарқалиб кетмаслиги учун чора-тадбирлар ишлаб чиқиш давлат ички сиёсатининг бир қисмига айланмоғи зарур.

ЖСТ келишувига асосан шартномаларда келтирилган харажатларни таҳлил қилиш лозим. Бу келажакда зараркуналлар ва касалликлар майдонларининг кенгайиши ва тарқалишини олдини олиш билан боғлиқ харажатларни назорат қилиш имконини беради.

Мавжуд адабиётларда халқаро қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари савдосида фитосанитария ва санитария соҳасидаги фаолият асосан статистик маълумотлар тарзида келтирилиб, халқаро иқтисодиёт назариясини ўрганишда, иқтисодий ресурслар тақсимланишида умумий муносабатлар сифатида баён этилган.

ЖСТ га аъзо бўлиши баробарида Ўзбекистон Республикасида мавжуд фитосанитар талаблар ушбу халқаро ташкилотнинг халқаро фитосанитар талабларига

мувофиқлаштирилиши, Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги ЖСТ ташкилоти томонидан жорий этилган “Санитария ва фитосанитария чора-тадбирларига амал қилиш бўйича битим” га риоя қилиши лозим. Бунда фитосанитар талабларнинг “техник асослари” мавжуд бўлиши керак. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан савдо қилиш жараёнидаги Ўсимликлар карантини бўйича техник жиҳатдан асосланмаган ҳар қандай талаблар “асоссиз талаблар” сифатида қабул қилиниб, ўсимлик ва ўсимлик маҳсулотларини экспорт қилувчи мамлакатлар томонидан ЖСТ ташкилотига импортёр мамлакатларнинг асоссиз талаблари устидан эътироз билдиришига сабаб бўлади.

Фитосанитар соҳага оид қонунлар, фармон ва қарорлар, қоидалар, талаблар ва тартиблар тайёр маҳсулот ва соҳага оид ишлаб чиқариш ва ишлов бериш усуллари, синов, сертификатлаш назорат қилиш жараёнлари, ўсимлик маҳсулотларини етиштириш, ташиш, сақлаш, қайта ишлаш, лаборатория таҳлиллари учун намуна олиш тартиблари ва фитосанитар хавф таҳлиллари билан боғлиқ талаб қилинадиган карантин қоидалари ҳамда маҳсулот хавфсизлигини таъминлаш мақсадидаги қадоқлаш-маркировкалаш жараёнларига оид ҳужжатлар барчаси норматив ҳужжатларни ташкил этади.

